

9-26-2018

# ORONYMIC TERMS IN THE STRUCTURE OF CHIMBAY TOPONYMS

Genjebay Matjanovich Abishov

*PhD student at Karakalpak linguistics department, Karakalpak state university*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>

---

### Recommended Citation

Abishov, Genjebay Matjanovich (2018) "ORONYMIC TERMS IN THE STRUCTURE OF CHIMBAY TOPONYMS," *Scientific reports of Bukhara State University*: Vol. 1 : Iss. 4 , Article 5.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol1/iss4/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

УДК: 801.311 (575.172)

**ЧИМБОЙ ТОПОНИМЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ОРНИМИК ТЕРМИНЛАР**  
**ОРНИМИЧЕСКИЕ ТЕРМИНЫ В СОСТАВЕ ЧИМБАЙСКИХ ТОПОНИМОВ**  
**ORONYMIC TERMS IN THE STRUCTURE OF CHIMBAY TOPONYMS**

**Abishov Genjebay Matjanovich***PhD student at Karakalpak linguistics department, Karakalpak state university***Таянч сўзлар:** оронимик, термин, тоғ, тепа, ой, тақир, қум, қир.**Ключевые слова:** оронимический, термин, гора, возвышенность, луна, такыр, песок, низины.**Key words:** oronymic terms, mountain, hill, deep, plane, sand, plate.

*Топонимлар таркибида ҳар хил географик терминлар фаол қатнашади. Ушбу мақолада топонимлар таркибида қўлланиладиган оронимик терминлар ўрганилган. Уларнинг географик объект номларини ясаидаги хизмати Чимбой тумани топонимлари мисолида аниқланган.*

*В данной статье рассматриваются оронимические термины в составе топонимов, их роль в образовании названий географических объектов Чимбайского района.*

*There are various active geographic terms in the structure of toponyms. The article deals with the oronymic terms used in the structure of toponyms. The role in forming the names of geographical objects has been studied on the basis of Chimboy region toponyms.*

**Кириш.** Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг бой топонимиясига эга. Уларни лингвистик аспектда тадқиқот олиб бориш топонимларнинг маънолари, номланиш сабаблари, грамматик таркиби муҳим аҳамиятга эга. Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудида жойлашган қадимий шаҳарларидан бири – Чимбой тумани ўзининг бой тарихига, қадимий ёдгорликларига, муқаддас жойларига ва улар билан боғлиқ топонимик материалларига эга. Улар ҳақида қорақалпоқ топонимикаси бўйича тадқиқот олиб борган Қ.Абдимуратов [1] ва Чимбой тарихини ўрганган О.Пайзуллаевнинг [13] тадқиқотларида туман топонимларига оид баъзи маълумотлар келтирилган. Лекин, ҳозирги кунга қадар ушбу ҳудуд топонимлари лингвистик аспектда тўлиқ тадқиқот олиб борилмаган. Шу боис, мақолада оронимик терминлар иштирокида ҳосил бўлган туман топонимлари ўрганилган.

Туман ҳудудидаги жой номлари, яъни топонимлар республикамиздаги географик номларидан ўхшаш жиҳатлари билан бирга, ўзига хос тарафлари билан ҳам ажралиб туради. Уларнинг келиб чиқиш сабаблари, тарихини чуқур илмий таҳлил қилиш орқали биз семантик ва грамматик хусусиятларига аниқлик киритишимиз мумкин бўлади. Бу борада туман топонимларининг асосий қисмини ташкил этадиган оронимик терминлар иштирокидаги жой номлари муҳим аҳамият касб этади.

Оронимлар ер устидаги тоғлар, тепаликлар, чуқурликлар ва бошқа объектларнинг номларини билдиради. Топонимлар таркибида (қорақалпоқ тилида) *бел, қум, қыр, ой, ойпатлық, тақыр, таў, тас, тәбе, тәбешик, тәбелик, шел, шың, дөң* каби оронимик терминлар иштирок этади. Бу терминлар географик объект номларининг таркибида келиб шу жойнинг хусусиятига хос бўлган минтақавий номларни ҳосил қилади. Улар шу ернинг табиий белгиларини ифодалайдиган топонимик тизимни келтириб чиқаради.

Оронимлар Чимбой тумани топонимлари тизимида асосий ўринни эгаллайди. Туманнинг ер тузилиши, асосан, текисликлардан ташкил топган бўлиб, географик жойлашуви жиҳатдан Орол дельтасидан ўрин олган. Бу ҳудудда тоғ ва бошқа оронимик объектлар озчиликни ташкил этади. Шу сабабли минтақавий топонимлар

## SOCIAL AND BEHAVIORAL SCIENCES: LINGUISTICS

таркибида қўлланилган оронимик терминлар ҳам кам сонда учрайди. Ушбу ҳудуддаги ер-сув номларини ўрганиб чиққанмизда топонимлар таркибида *таў*, *төбе*, *қум*, *ой*, *тақыр*, *қыр*, *тас* оронимик терминларнинг қўлланилишининг гувоҳи бўламиз. Биз таркибида номлари кўрсатилган терминларнинг иштирокида пайдо бўлган топонимларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

*Таў* (*тоғ*) – термини деярлик ҳамма тилларда қўлланилади. Ушбу оронимик термин кўпчилик туркий тилларда бор ва у турлича вариантларда учрайди. Бошқирд, қozoқ, татар тилларида *тау*, қирғиз тилида *тоо*, алтай тилида *туу*, озарбайжон, туркман тилларида *даг*, хакас, тува, уйғур, шор, чулим тилларида *таг*, ўзбек тилида *тоғ*, қадимий туркий тилида *тағ*, турк тилида *dag*. *Таў* сўзи барча туркий тилларда “ер устининг алоҳида-алоҳида ёки қатор тоғ бирикмалари шаклида кўтарилган жойларини” ифодалаш учун қўлланилади. Қорақалпоқ тилида эса «ён атирофидаги ердан кўтаринки, тепалик, ўта ташлоқ жой» [7] маъносини беради. Ушбу термин орқали ҳосил бўлган топонимлар кўпчилик пайтларда объектларнинг ташқи кўринишига ёки бўлмасам турига қараб номланади. Таркибида *таў* термини қатнашган топонимлар Қорақалпоғистон топонимиясида қўлланилади: *Ҳэктаў*, *Қаратаў*, *Бөршитаў*. Аммо Чимбой кам сондаги *Пашентаў*, *Қусқанатаў*, *Қумлы таў* топонимларигина қўлланилишини кўришимиз мумкин.

*Таў* термини қадимий туркий ёзма меросларда ҳам ҳозирги маъносида қўлланилган. Бу унинг оронимик термин сифатида бироз эрта вужудга келганлигини билдиради. Мисол учун Қултегин ёзма ёдгорликларида [2], Маҳмуд Қошғарийнинг луғатида *тағ* шаклида учрайди [10]. П.Фуламов эса ўртача 600 м балантликдаги *таў* деб номлаш мумкинлигини айтиб ўтган [5].

*Төбе* (*тепа*) термини иштирокида ҳосил бўлган топонимлар Қорақалпоғистон топонимиясида қўлланилади. Бу сўз дастлаб *топа*, *топу* шаклида талаффуз қилиниб, бошнинг юқори қисми, бош ва тепа, чўққи, бирор нарсанинг юқорисини билдирган [6]. О.Мадраҳимов ушбу терминни устки тарафи гумбаз каби тепаликлар, паст тоғлар – деб кўрсатади [9]. Қорақалпоқ тилида ернинг унчалик баланд бўлмаган жой номларига *төбе*, *төбешик*, *төбелик* оронимик терминлари қўшиб айтилади. Ушбу термин туркий тилларда ҳар хил фонетик вариантларда учрайди: озарбайжон тилида *тэлэ*, бошқирд ва татар тилларида *төбө*, туркман тилида *деле*, ўзбек тилида *тепа*, қадимий туркий тилда *төлү*. У кўпгина топонимларни ҳосил қилишда қатнашади ва тарқалиш ареали кенг.

*Төбе* термини оронимик номларнинг бир элементи сифатида унумли қўлланилади. Бошқа туркий тиллардаги каби тумандаги халқнинг тилида *төбе*, *төбелик*, *төбешик* вариантлари бор. Бундан ташқари, ушбу ҳудудда *төбе* терминининг халқ оғзаки тилида *төле* шаклидаги фонетик ҳодиса туфайли ўзгаришга учраган варианты ҳам бор. Туманда ушбу термин иштирокида ҳосил бўлган *Қалмурат төле* топоними қўлланилади.

*Ой* – оронимик термини ён атрофидаги текис ерларга нисбатан пастлик, паст жой, чуқурлик маъносини билдиради. Бу терминнинг туркий тиллардаги тарқалиш ареали бир қанча кенг. О.Т.Молчанованинг кўрсатишига қараганда, Тоғли Алтайда унинг *ой*, *ойук*, *ойдым*, *ойым*, *ойбок* каби вариантлари бор бўлиб, улар кўпинча гидронимик номларнинг таркибида, баъзан оронимик номларни ҳосил қилишда ҳам қатнашади [11]. Айрим тадқиқот ишларида *ой* терминини гидрографик термин сифатида қарайди. У кўпинча сув объектларининг номини билдириш учун қўлланилади. Қорақалпоғистонда ҳар қандай чуқурлик *ой* деб юритилади. Кўпчилик ҳолларда бу сувсиз эканлигини ифодалашда берилади.

*Ой* оронимик термини апеллятив ва қўшма топонимларнинг бир элементи сифатида унумли фойдаланилади. Бу термин Чимбой тумани топонимлари таркибида кўплаб учрайди. Тумандаги гидроним ва оронимларни ҳосил қилишда қатнашади.

Масалан, *Қазақой, Ийшаной, Айтекеой, Фарғой, Эметой, Баекеой, Балташой, Қараой салма.*

*Тақыр* оронимик термини катта кўламдаги ҳеч қандай ўсимлик ўсмайдиган, текис қаттиқ ерга нисбатан ишлатилади. Туман ҳудудида таркибида ушбу термин қатнашган *Тақырой* ороними қўлланилади.

*Қум* термини Қорақалпоғистондаги топонимларни ҳосил қилишда бир қанча унумли ҳисобланади. У Чимбой тумани ҳудудидаги қумли очиқ майдонларнинг номлари таркибида қўлланилади, аммо кам учрайди: *Алланазарқум, Бекбайқум, Есбергенқум, Тамлы қум, Аққум әўлийеси, Еғиз қум, Қум салма, Қум жап, Қумлы атаў.*

Қадимий туркий тилида бу сўз ҳозирги маъносида қўлланилган. Маҳмуд Қошғарийнинг кўрсатишича, туркий халқлар тилида юмшоқ ер. Оғузлар қумни *қайыр* деб номлашган [10]. Ушбу термин кўпгина туркий тилларда баъзи фонетик ўзгаришлар билан қўлланилади. Масалан, ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ тилларида *қум*, азарбайжон ва турк тилларида *ғум*, туркман тилида *ғум* «қумлик ер», «қумлик ландшафт», «қумли саҳро», шу тилдаги *чеге* сўзи ҳам «қум» маъносини англатади [4]. Олтой тилида *қум* термини «кўчманчи қум», ушбу тилдаги *қумақ* ва якут тилидаги *кумах* сўзари «қум» маъносини англатади.

*Қум* оронимик термини туркий тиллар орқали бошқа тилларга ҳам ўтган. Масалан, мўғул тилида *хумак* сўзи «майда қум, қум дончалари», *хум* «чанг, тўзанг», ирон тилларида *қум* «қум», *қумзар* – «қумлик» каби маъноларга эга [12]. Шунингдек, баъзи туркий тилларда *қум* терминига *ақ, қара* лексемаларининг қўшилиши билан қўшма терминлар ҳосил бўлади. Масалан, С.Атаниязов Туркменистондаги *Ақғум* ороними, асосан, географик термин сифатида «усти тоза, ўт-ўлансиз кўчманчи қум» маъносини билдиради, – деб изоҳ беради [3]. Топонимист олим С.Қараев «*қорақум* – кўчмайдиган, ерга маҳкам ўрналашиб ётган ва устига ўсимликлар ўсиб турган қумлик», – деб тушунтиради [8]. Демак, *қум* термини деярли барча туркий ва бошқа тилларда кенг қўлланилади ва янги топоним ҳосил қилади.

*Қыр* оронимик термини «катта кўламдаги тепалик, тепа» маъносини билдиради. Бу термин туркий тилларда кенг тарқалган. Олтой тилида *қыр* сўзи «тоғ ёнбағри», «устюрт», туркман тилида *гыр, кыр* сўзи «текис, очиқ майдон», «паст тоғ», қозоқ тилида *қыр* термини «тоғ ёнбағри», чуваш тилида *хир* сўзи «майдон», «тижарлик», якут тилида *қырын* сўзи «тоғ тизмаси», «паст тоғ» каби маъноларни билдиради. М.Қошғарийнинг сўзлигида қир «тўғон, сув тўпланадиган жой» [10] маъноларида берилган.

Чимбой туманида *қыр* компонентли *Қырдағы Жаманша* топоними қўлланилади. Ушбу топоним қишлоқнинг қўшни қишлоқларга нисбатан ер сатҳидан тепароқ жойда турганлиги боис ўша ном билан аталган.

Хулоса қилиб айтганда, ер юзидаги географик объект номлар бўйича тадқиқот олиб борилганда бизга ҳудуд, миллат, халқ, миллий тил ҳақида маълумотлар беради. Бу масалада Чимбой тумани ҳудудидаги топонимлари юзасидан тадқиқот олиб бориш ономастика илми учун ҳам бой амалий материал бериши мумкин. Юртимизнинг бошқа минтақасидаги каби туман топонимларининг ҳосил бўлишида географик терминлар муҳим аҳамият касб этади. Улар ҳар хил сўз туркумига оид сўзларга қўшилиб, географик объектларнинг атоқли отларини билдиради, қўшма топонимларнинг пайдо бўлишига асос бўлади ва географик объектнинг турларини билдиради. Туман топонимиясида учрайдиган бундай оронимик терминларнинг кўпчилик қисмини тарихий келиб чиқиши бўйича туркий тилларга мансуб сўзлар ташкил қилади. Кўрсатилган ҳудуд топонимлари семантикаси ва грамматик таркиби бўйича кенг турда тўлиқ илмий тадқиқот ишларини олиб боришни талаб этади.

## REFERENCES

1. Abdimuratov Q. Nege usilay atalg'an? - Nekis: Qaraqalpaqstan, 1965. - 79 b.

2. Abdiraxmanov A. Qazaqstanniń jer-su attari. - Almati: G'ilim, 1959. - 221 b.
3. Ataniyazov S. Tırkmenistanniń geografik atlariniń dıshyndirishli sızlygi. - Ashxabad, Ilim, 1980. - 363 b.
4. Geldixanov M. Geograficheskaya realiya v toponimii Turkmenistana // Toponimika v regionalnix geograficheskix issledovaniyax: Tezisi dokladov Vsesoyuznoy konferentsii. - M., 1984. - S. 90-93.
5. G'ulomov P. Jo'g'rofiya atamalari va tushunchalari izohli lug'ati. - Toshkent: O'qituvchi, 1994.
6. Drevnetyurkskiy slovar. - Leningrad: Nauka, 1969. - 676 s.
7. Qaraqalpaq tiliniń tysindirme sızlygi. - Nėkis: Qaraqalpaqstan, 1992. IV jild. - 633 b.
8. Qoraev S. Geografik nomlar ma'nosi. - T.: O'zbekiston milliy entsiklopediyasi, 1978.
9. Madrahimov O. O'zbek tilining o'g'uz lahjasi leksikasi. - Toshkent: Fan, 1973.
10. Mahmud Qoshg'ariy. Turkiy so'zlar devoni (Devonu lug'otit turk). - Toshkent: O'zSSR FA, 1960. I t. 498 bet, 1963. III t. - 460 b.
11. Molchanova O.T. O gidrogeograficheskix terminax tyurkskogo Altaya // Mestnie geograficheskie termini. - M., 1970. - S. 202-204.
12. Murzaev E.M. Slovar narodnix geograficheskix terminov. - M.: Misl, 1984. - 653 s.
13. Payzullaev O. Shimbay izertleo'ler hėm ańızlarda. - Nėkis: Qaraqalpaqstan, 1993. - 139 b.